



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 7 » sentabr

№ 558

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

“Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Маданият вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари;

Маданият вазирлигининг хуқуqlари ҳамда жавобгарлиги, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Маданият вазирлиги раҳбариятининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

Маданият вазирлиги фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “7” сентябрдаги 558-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) мақоми, асосий вазифалари ва функцияларини, хуқуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Вазирлик маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунади.

4. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

5. Вазирлик ўз фаолиятини, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фукаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси, туман (шаҳар) маданият бўлимлари (кейинги ўринларда – худудий маданият органлари), Вазирлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида шахсий ғазна ҳисобварагларига, банк ҳисобварагларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварагларига эга бўладилар.

8. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
қисқартмаси – Маданият вазирлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Министерство культуры Республики Узбекистан,
қисқартмаси – Минкультура;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – The Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan,
қисқартмаси – Ministry of Culture.

9. Вазирлик жойлашган жой (почта манзили): 100029, Тошкент шаҳри,
Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй.

2-боб. Вазирликнинг тизими

10. Вазирлик тизимига қўйидагилар киради:

Вазирликнинг марказий аппарати;

Ўзбек давлат цирки, давлат театрлари, театр студиялари, кўзи ожизлар кутубхоналари, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, “Халқлар дўстлиги” санъат саройи, Ислом Каримов номидаги Фарғона вилояти театр ва концерт саройи, “Сурхондарё санъат саройи” давлат муассасаси, Республика бахшичилик санъати маркази, М. Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, “Ўзбекистон давлат филармонияси” давлат муассасаси, “Ўзбекистон давлат симфоник оркестри” давлат муассасаси, Халқаро фестиваллар дирекцияси;

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат хореография академияси, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, К. Зарипов номидаги республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк коллежи, Республика мусиқа ва санъат коллежи, Р. Глиер номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби, В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Вазирлик тизимидағи таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, маданий-маърифий муассасалар;

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, “Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси;

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ёш ижодкорларни кўллаб-куvvатлаш ва ахборот-мультимедиа маркази, “Гулистон”, “Театр” ва “Мозийдан садо” журналлари таҳририяти;

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари, маданият марказлари.

3-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ва функциялари

1-§. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар қалби ва онгига мустақиллик, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш;

бадиий ижод, шу жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин сахифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

маданият муассасалари, жумладан, театрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушбу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан фаолиятнинг асосий вазифалари ҳамда йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга кўйиш;

маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштириш, моддий рағбатлантириш, бунда

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

12. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиши, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва қўпайтиши, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириши, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришини разбатлантиши, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиши борасида тизимили чора-тадбирларни амалга ошириши соҳасида:

маданият тизими фаолиятини ташкил этиш ва яхшилаш масалаларида давлат бошқарувини амалга оширади;

ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишларига, шу жумладан, маданият тизимини янада ривожлантиши назарда тутувчи давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишига доир таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади ва ҳимоя қиласди;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш мониторингини олиб боради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижро чиқариларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига

доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;

норматив-хуқуқий хужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган хисобини белгиланган тартибда юритади;

Вазирлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотларни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштиради, давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади;

ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирлик тизими мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари бажарилиши устидан идоравий назоратни ташкил этади;

Вазирлик тизимидағи таълим муассасалари фаолиятига методик раҳбарлик қиласи;

ахборот технологияларини ва молиявий назоратнинг эътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш йўли билан ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларда бюджет қонунчилиги бузилиши профилактикаси ва унинг олдини олишга қаратилган молиявий назоратни амалга оширади;

ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини белгилайди, маданият соҳасининг ҳолатини қиёсий таҳлил қиласи;

Вазирлик тизимидағи таълим муассасалари тармоғи фаолият кўрсатишнинг таълим билан боғлиқ ва ижтимоий самарадорлигини таҳлил қиласи, уни мақбуллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

драматик, мусиқали, мусиқали-драматик асарлар, тасвирий ва амалий санъат ва ҳайкалтарошлиқ асарлари яратишга давлат буюртмаларини амалга оширади;

маданият ва санъатни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни, маданият ва санъат соҳасига тааллуқли дастурий-методик хужжатларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлади, уларнинг тўғри бажарилишини таъминлади;

давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда маданият ва санъат арбобларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

аҳолининг кенг қатламлари орасида маданий ва концерт-томуша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишида мамлакатнинг давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига қўмаклашади;

миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш чораларини кўради;

аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтириши рағбатлантириди;

аҳолини миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга оширади;

барча мавжуд давлат маданият ташкилотларини хатловдан ўтказади;

соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чораларини кўради;

давлат органлари томонидан давлат тадбирлари ва бошқа тадбирларга ижодкорлар ва ижрочилар жамоатчилик асосида жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги чораларини кўради;

ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилишини ва уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ етказилишини таъминлайди;

маданият ва санъат соҳасидаги улкан ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиши ва Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

журналлар, бланкалар, ўкув-методик комплекслар, бюллетенлар нашр этилишини ва Вазирлик тизими фаолиятига тааллуқли бўлган ўкув қўлланмалари эълон қилинишини, шунингдек, Вазирликнинг веб-сайти ишини ташкил этади.

б) аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлиар қалби ва онгига мустақиллик, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзликни англаш гояларини янада чуқур сингдириши, радикализм ва экстремизмдек ёт гояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришига йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш соҳасида:

халқимиз, айниқса, ёшлиар қалбida миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат, она Ватанга муҳаббат, бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни янада кучайтиришда театр санъатининг ролини ошириш чораларини кўради;

композитор, бастакор ва созандалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳаваскорлар орасидан истеъдодли ижрочиларни аниқлаш мақсадида турли даражадаги кўрик-танловларни ўтказади,

анъанавий мусиқа жанрларини янги шарт-шароитларда такомиллаштириш мақсадида “устоз-шогирд” анъанасини янада ривожлантиради;

миллий ва жаҳон композиторлари ижодиётини инсоният интеллектуал хазинаси сифатида халқ орасида кенг тарғиб қилиш, замонавий руҳда юксак

бадиий асарлар яратишини рағбатлантиради, катта мусиқий асарлар, жумладан, опера, симфония, концерт ва оратория каби мумтоз жанрларни ривожлантиради;

“устоз ва шогирд” анъанаси асосида миллий рақс соҳасидаги етук рақс усталари, истеъододли ва юқори малакали ижрочиларнинг рақс мактабларини яратиш, уларнинг услубларини тиклаш ва ривожлантириш чораларини кўради;

миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда миллий рақс ва хореография санъатини бадиий жиҳатдан ривожлантиради;

авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш ва бойитишни амалга оширади, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чукур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдиради;

халқ усталарининг ўзига хос услуби ва мактабини давом эттиришда, атоқли маданият ва санъат арబблари билан тажриба алмашишда “устоз-шогирд” анъанасидан самарали фойдаланишни таъминлайди, шунингдек, ижодий устахоналар фаолиятини кучайтиради;

халқ амалий санъати анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, халқ хунармандчилигини қўллаб-қувватлайди;

юртимиз ва хорижда кенг қўламдаги кўргазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш чораларини кўради;

буюк рассомлар, халқ усталари ва рассомлари, санъат арబблари ва истеъододли ёш ижодкорларнинг сара асарларини оммалаштиради;

маданият марказларида халқ бадиий ҳаваскорлик ва ижрочилик санъатини ривожлантиришга, уларнинг шакл ва усулларини такомиллаштиришга қўмаклашади;

жойларда маданий-маърифий фаолиятнинг самарали усулларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, илғор тажрибаларни умумлаштиришга ва тарғиб қилишга қўмаклашади.

в) бадиий ижод, шу жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришини разбатлантириши, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишида ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшлиарга ҳар томонлама қўмаклашиши соҳасида:

маданиятшунослик, театршунослик, санъатшунослик, мусиқашуносликни ва ушбу соҳадаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантиради;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди;

халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишида ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам беради;

тариҳий шахслар, замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш, театр асарларининг ғоявий-бадиий даражасини кўтариш, халқаро майдондаги рақобатбардошлигини ошириш, театр танқидчилигини кучайтириш чораларини кўради;

ёш композиторлар, бастакорлар, мусиқашунослар ва ижрочиларнинг ижод билан самарали шуғулланишлари учун барча имконият ва шароитларни кенгайтиради;

миллий рақс санъатининг ноёб меросини, шу жумладан, миллий қадриятларни акс эттирувчи саҳна лиbosларини сақлаб қолиш, тиклаш ва янгиларини яратиш ишларини олиб боради;

мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асрар ва авайлаш чораларини кўради, халқимизга эстетик завқ бағишивчи замонавий ўзбек рақс мактабини яратади;

истеъдодли эстрада хонандаларини аниқлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштиради;

миллий рақс санъатининг ривожланиш босқичларини илмий жиҳатдан чукур ўрганади;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳаларида истеъдодли ижодкорларни барвақт аниқлаш, уларни қўллаб-куватлаш, ижодкорларнинг бадиий салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштиради;

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгashi билан биргаликда республика концерт саройлари, концерт заллари ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ҳамда концерт тадбирларининг тематик, репертуар режалари ва дастурларини такомиллаштиришга доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

чет элларда ўқиётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган ижодкор ёшларнинг республикада ўтказиладиган кўриклар, танловлар ҳамда фестивалларда қатнашишини таъминлайди;

иқтидорли ёшлар ва санъат арбобларининг ижодий сафарларини ташкил қилишни ҳамда уларнинг халқаро кўламда ва республика миқёсида маданият ва санъат соҳасида ўтказиладиган кўриклар, танловлар, фестивалларда ва бошқа анжуманларда иштирок этишини таъминлайди;

Вазирлик тизимиға кирувчи маданият ташкилотларининг жамоалари ва яккахон ижрочиларининг гастроль-концерт фаолиятини, шу жумладан, чет эллардаги гастроль-концерт фаолиятини ташкил қиласди.

г) маданият муассасалари, жумладан, театрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушибу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиши соҳасида:

Вазирлик, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига умумий раҳбарлик қилади;

Вазирлик, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштиради;

таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ишларини, шунингдек, Вазирлик, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларни куз-қиши мавсумига тайёрлаш бўйича ишларни, Вазирлик, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар бинолари ва иншоотларининг жорий иш ҳолатини сақлашни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Вазирлик, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг эҳтиёжларини аниқлайди ва ҳар йили уларни жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) дастурларини ишлаб чиқади;

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда замонавий ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларни қуриш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритилган маданият обьектларида ҳар йили олиб бориладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг тизимли мониторингини олиб боради;

маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиради;

замон талаблари ва халқаро стандартларга мос янги кўнгилочар марказлар, маданият ва истироҳат боғларини барпо этади;

маҳаллий маданият ва санъат муассасаларини жаҳон маданий маконига пухта интеграция қилади;

мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда бой тарихий-маданий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан самарали ва тўлиқ фойдаланиш чораларини кўради;

маданият соҳасидаги муаммоларни аниқлаш бўйича жамоатчилик фикри ўрганилишини ташкил этади.

д) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ижодий уюшмалар ва бошига ташкилотлар билан фаолиятнинг асосий вазифалари ҳамда йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишида, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида:

замонавий пъесалар, миллий мумтоз, жаҳон классик асарлари асосида театрларнинг узоқ муддатли репертуарини шакллантиради, театрларнинг маҳаллий ва хорижий давлатлардаги гастроль фаолиятини тизимли амалга оширади;

авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, янги шароитларда ривожлантириш ва улардан халқимизни баҳраманд қилиш учун кенг имкониятлар яратиш ишларини олиб боради;

миллий қадриятлар асосида эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантиради ва тарғиботини кучайтиради;

аҳолининг маданий эҳтиёжларини қаноатлантиришга, ёшларни юқори савиядаги миллий эстрада қўшиқлари намуналари асосида тарбиялашга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирлар, концертлар ва гастролларни тизимли ташкил этади;

мусиқа ва санъат мактабларида “устоз-шогирд” анъаналарини ривожлантиради ҳамда таникли санъаткорлар иштироқида ижодий учрашувлар ташкил этади;

ижодий бирлашмалар, жамоалар ва яккахон ижрочиларнинг фаолияти, репертуарлари ва сценарийларининг ғоявий ва бадиий савиясини ошириш ишларини олиб боради;

маданият ва истироҳат боғлари ҳамда маданият марказларининг моддий-техник базасини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чораларини кўради;

маданият ва истироҳат боғларининг қиёфасини тубдан қайта кўриб чиқиши, уларда халқ сайилларини доимий ўтказиш тизимини яратиш, аттракцион ва ўйин қурилмаларининг техник хавфсизлигини таъминлаш ишларини олиб боради;

маданиятнинг турли йўналишлари бўйича туризмнинг имкониятларини кенгайтиради;

республика ҳудудларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб туризмни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар доирасида муҳим ўрин тутадиган янги маданий сайёҳлик йўналишларини яратиш ва ривожлантириш чораларини кўради;

маданият ва санъат соҳасида миллий брендларни яратишга ва уларнинг халқаро туризм бозорларига кириб боришига комплекс ёндашади, шунингдек, маданият соҳасида халқаро танлов ва фестиваллар ўтказишни қўллаб-қувватлаш ишларини олиб боради;

таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини, хорижий мамлакатларда маданият ва санъатни ривожлантиришнинг илғор тажрибасини умумлаштиради;

ушбу ютуқларнинг соҳада жорий этилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига қўмаклашади;

илемий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар олиб борилишини мувофиқлаштиради.

е) маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши жараёнини миллий ва умуминсоний қадриялар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштириши, моддий разбатлантириши, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илгор халқаро тажрибадан фойдаланиши, маданий-маърифий муассасалар ва таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш соҳасида:

Вазирлик марказий аппарати, худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлайди;

ҳар йили олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш борасида маданият ва санъат соҳасида таклифларни шакллантиради;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишига, педагогик технологияларни Вазирлик тизимидағи таълим муассасаларининг ўқувтарбиявий жараёнинга истиқболли жорий этишга таълим ва илемий-тадқиқот муассасаларини, педагогик жамоатчиликни жалб этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

маданият соҳасида мутахассисларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича касб маҳорати танловлари ўтказади, тегишли чора-тадбирларни белгилайди;

таълим, илемий-тадқиқот, хорижий ва халқаро ташкилотлар иштирокида узоқ муддатли дастурлар, лойиҳалар, режаларни ишлаб чиқади, уларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилайди;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриялар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини ташкил қиласди;

аҳолининг маданий савиёсини оширишга интилишини рағбатлантиради;

аҳолини миллий, жаҳон маданияти ва санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш ишларини амалга оширади;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, тажриба ортиришларини ва аттестациядан ўтказишни таъминлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарсларини ўтиш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижроҷиларини ҳамда маданият ва санъат арбобларини, етук педагог-мутахассисларини таклиф қиласди;

маданият ва санъат бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалар ва бошқа илемий-методик адабиётларни ишлаб чиқишида иштирок этади, шунингдек, уларни тасдиқлайди;

соҳада профессионал малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, педагог кадрларнинг салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштиради;

мактабгача таълим муассасаларида бошланғич мусиқа тушунчаларини шакллантирувчи (фольклор мусиқа, академик мумтоз мусиқа, эстрада мусиқаси) маҳсус адабиётлар яратилишини таъминлайди ва болалар ижро репертуарини шакллантиради;

соҳадаги бошланғич, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида таълимнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш ҳамда таълим сифатини ошириш чораларини кўради, унинг пировардида истеъдодли ижодкорларни етиштиради;

соҳада илмий тадқиқот ишларини қўллаб-куватлаш, илмий натижаларни амалиётга жорий этиш ҳамда санъат аҳлининг меҳнат ва ижод шароитини яхшилаш чораларини кўради;

жаҳоннинг машҳур маданият ва санъат муассасалари билан тажриба алмашиш ва малака ошириш тизимини кенгайтиради;

хорижий ва миллий анъанавий таълим тизимининг энг яхши ютуқларидан, шунингдек, соҳада таълимни ривожлантиришга асосланган технологиялардан кенг фойдаланиш чораларини кўради;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга кўмаклашади.

ж) давлатларо ва ҳалқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказилиши ўюни билан чет элларда кенг тарғиб қилиши, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жсалб этиши, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиши, видео ва кино материаллар тайёрлаши соҳасида:

маданият тизимида ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади, маданият масалалари бўйича хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорлик ўрнатади;

маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳалқаро лойихаларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди;

республикада ва хорижий мамлакатларда профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлар, шунингдек, кўргазмалар ўтказилишини ташкил қиласди;

ижодий жамоалар, маданият ва санъат мутахассисларини, арбобларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, ҳалқаро танловлар,

фестивалларда ва чет эллардаги бошқа тадбирларда қатнашишини таъминлайди;

миллий кино маҳсулотларини кенг тарғиб қилишга ва уларнинг халқаро кинофестивалларда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашади;

тарихий ҳақиқат ва реал воқеликни ёрқин акс эттирувчи ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратиш тизимини такомиллаштиришда иштирок этади;

кино муассасаларининг моддий-техника базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш ва жиҳозлашга кўмаклашади;

халқаро маданий алоқаларини йўлга қўяди ва ривожлантиради.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ўзининг худудий маданият органлари, ўзига идоравий мансуб бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

2-§. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

13. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

маданият тизими стратегик ривожланишини белгилаш;

худудий маданият органларида ва Вазирликка идоравий мансуб ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Вазирлик тизимида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

худудий маданият органларида ва идоравий мансуб ташкилотларда кадрлар билан таъминлашни мувофиқлаштириш;

идоравий мансуб ташкилотларни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни ривожлантириш концепциялари ва истиқболларини белгилаш;

кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва маданият тизимида қурилиш обьектлари сифати мониторингини юритиш;

худудий маданият органларида ва идоравий мансуб ташкилотларда қурилиш, реконструкция, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш.

14. Вазирликнинг марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахбороттахлил жихатидан таъминлайди;

худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан мунтазам назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири (кейинги ўринларда – Вазир) ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ва фармойишлари амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади;

Вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти мониторинги олиб борилишини ташкил этади;

маданий фаолият соҳасини ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кўмаклашади;

Вазирликнинг фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида маданий фаолият соҳасидаги тенденциялар тўғрисида Вазирлик раҳбарияти учун ахборотни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қиласи;

маданий фаолият соҳасидаги масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларига ахборот, методик, ташкилий ва маслаҳат ёрдамини беради;

Вазирлик ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шугулланади;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини назорат қиласи ва таҳлил этади;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилишини таъминлайди;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

маданий фаолият соҳасига давлат-хусусий шерикликни жорий этади;

нодавлат маданият ва санъат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва методик ишларни ташкил этади;

идоравий мансуб таълим муассасаларда таълим ва тарбия сифати мониторингини олиб боради;

идоравий мансуб таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика бюджетидан молиялаштириладиган идоравий мансуб ташкилотларда молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этади;

Вазирлик, ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларда ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этади ҳамда амалга оширади;

худудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларни моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

худудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг бинолари ва иншоотларидан жорий фойдаланиш бўйича ишлар мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

хорижий инвестициялар жалб этилишини ва халқаро ҳамкорликни ташкил этади.

3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасининг вазифалари ва функциялари

15. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси ва вилоятлар маданият бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура ҳудудий органлари, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиласидан комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар) билан ҳамкорлик қилиш;

маданий фаолият соҳасида қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш;

туман (шаҳар) маданият бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

туман (шаҳар) маданият бўлимларида, давлат маданият ташкилотларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

худудларда давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича амалий чоралар қабул қилиш;

давлат маданият ташкилотларида замонавий хавфсизликни таъминлаш воситалари ва инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш;

давлат маданият ташкилотларини қўллаб-куватлаш ва улар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рейтингини тузишда кўмаклашиш;

давлат маданият ташкилотлари ходимлари касбий фаолиятига боғлик бўлмаган турли хил ишларга жалб қилинишига қатъяян йўл қўйилмаслигини таъминлаш.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси уларга юклangan асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси ва уларнинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

туман (шаҳар) маданият бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари ва фармойишлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилиши устидан мунтазам назорат қилинишини таъминлайди;

туман (шаҳар) маданият бўлимлари томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий, хуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

туман (шаҳар) маданият бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қиласи, мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;

вилоят даражасидаги бюджетдан молиялаштириладиган идоравий мансуб ташкилотлар харажатларини молиялаштиришни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи юритилишини ташкил этади;

идоравий мансуб ташкилотларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг бинолари ва иншоотларини жорий таъмилаш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

ваколатига тегишли ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи.

4-§. Туман (шахар) маданият бўлимларининг вазифалари ва функциялари

17. Қўйидагилар туман (шахар) маданият бўлимларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликка юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан давлат маданият ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

давлат маданият ташкилотларида маданий фаолият соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

давлат маданият ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

18. Туман (шахар) маданият бўлимлари уларга юклangan асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

туман (шахар) маданият бўлимлари ва уларнинг раҳбариятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари, фармойишлари ва Вазирlikning буйруқлари бажарилишини мунтазам назорат қиласди;

туман (шахар) маданият бўлимлари томонидан туманлар (шахарлар) ҳокимликларига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иктисодий, молиявий, ҳукуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

туман (шахар) маданият ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қиласди, мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

туман (шахар) даражасидаги бюджетдан молиялаштириладиган давлат маданият ташкилотлари харажатларини молиялаштириши, уларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи юритилишини ташкил этади;

маданият ташкилотларида давлат талаблари бажарилиши мониторингини олиб боради;

давлат маданият ташкилотларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

давлат маданият ташкилотларининг бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

туман (шаҳар) маданият бўйимлари ваколатига тегишли бўлган ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди.

4-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий маданият органларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

19. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эгадир:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлик бўлган бошқа ҳужжатларни белгилangan тартибда Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгилangan тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларнинг давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига белгилangan тартибда ўз ташкилий тузилмаси доирасида, беғараз фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш;

ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларда ички назорат, коррупцион ҳуқуқбузарликлар ва бошқа қонунга зид ҳаракатлар, шунингдек, Вазирлик тизими ходимлари томонидан касбий ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат маданият ташкилотлари фаолиятига асоссиз аралашувга, маданият ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга, фаолиятига тўсқинлик қилишнинг ҳар қандай шаклларига, маданият ходимларининг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича қонунчиликда белгилangan чоралар кўриш;

Вазирлик бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ҳудудий маданият органларининг ва бошқа идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаларини ҳамда устав (низом)ларини тасдиқлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу тузилмалар ҳамда Вазирлик марказий аппаратининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилаш;

Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотлар

мутахассисларини, шунингдек, уларнинг маданият соҳасидаги экспертларини Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига консультантлар сифатида жалб қилиш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар, чет элда фаолият олиб бораётган ватандошларни ишга қабул қилиш;

Вазирлик ва унинг тизимини молиялаштиришга зарур сарф-харажатлар бўйича таклифларни шакллантириш, шунингдек, зарурат бўлганда, хорижий кредитлар, грантлар ва бошқа маблағларни жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик, унинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий маданият органларининг кўчмас мулки ва бошқа турдаги мулкларини самарали бошқаришни ташкил этиш;

идоравий мансуб ташкилотлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Вазирликнинг ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколати доирасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарур ҳолларда давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа ҳужжатларни биргаликда қабул қилиш;

Вазирлик ва ҳудудий маданият органлари ходимларини улар томонидан тегишли соҳада улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, микдорлари ва шартларини белгилаш;

ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Вазирлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий веб-сайтлар, шунингдек, сахифалар яратиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳайъат мажлисларида Вазирлик тизими раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

Маданий фаолият тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг Вазирлик тизимидағи ташкилотлар томонидан ижро этилиши юзасидан уларнинг фаолиятини ўрганиш;

Вазирлик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва истиқболли муаммоларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурухлар ташкил этиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Вазирлик:

Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, маданият соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

маданият соҳасини ривожлантириш, шунингдек, маданият соҳасида ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизими учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан жавоб беради.

2-§. Вазирлик марказий аппаратининг хуқуқлари ва жавобгарлиги

21. Вазирликнинг марказий аппарати ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган маданият масалалари бўйича материаллар ва маълумотларни Вазирликнинг ҳудудий маданият органларидан ва идоравий мансуб ташкилотлардан сўраш ва олиш;

Вазирликда кўриб чиқиладиган маданият соҳасига оид масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур

бўлганда Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларидан ўзлари томонидан киритилган маданият бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йигилишлар ўтказиш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига тезлиқда ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Вазирликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириклар бериш;

маданият соҳасида давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари бажарилиши бўйича ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари, шунингдек, Вазирликнинг буйруқлари Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш хукуқига эга.

Вазирликнинг марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Вазирликнинг марказий аппарати:

ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишини таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Вазирлик томонидан кўриб чиқиши учун Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-хукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган қарорлар, буйруқларнинг тайёрланиши сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

маданиятни ривожлантириш, шу жумладан, ҳудудларда маданиятни ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилиши ташкил этилиши;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизими учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан жавоб беради.

3-ғ. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

23. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳудудий маданият органларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

маданият соҳасининг энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудудий даражада идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари бажарилиши бўйича туман (шаҳар) маданият бўлимлари фаолиятини ўрганиш;

туман (шаҳар) маданият бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмаларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирликнинг ҳудудий органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

туманлarda (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида маданият соҳасини

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

маданият соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

Вазирлик ҳудудий маданият органлари ва унинг тизими учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан жавоб беради.

4-§. Туман (шаҳар) маданият бўлимларининг хукуқлари ва жавобгарлиги

25. Туман (шаҳар) маданият бўлимлари уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари туман (шаҳар) бўлинмаларидан, маданият ташкилотларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат дастурларини ва инвестиция дастурларини амалга ошириш бўйича давлат маданият ташкилотлари фаолиятини ўрганиш;

давлат маданият ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифларни қўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш хукуқига эга.

Туман (шаҳар) маданият бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

26. Туман (шаҳар) маданият бўлимлари:

туман (шаҳар) маданият бўлимларига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, туман (шаҳар) маданият бўлимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

маданият соҳасида долзарб муаммоларни, шунингдек, туманни (шаҳарни) ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш;

маданият масалаларига доир таклифларни тайёрлаш ва маданият масалалари юзасидан туманни (шаҳарни) ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

туманларда (шаҳарларда) маданият соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий хужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

бўлим ва Вазирлик тизимидағи ташкилотлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан жавоб беради.

5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

27. Қуйидагилар Вазирнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукукий хужжатларга риоя этиш;

2) Вазирликнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан Вазирликка юклangan вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) Вазирлик, унинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ маданият соҳасида прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

6) маданият масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни қўриб чиқишида иштирок этиш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари топшириқларини бажариш;

8) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

9) Вазирлик тизимини ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб Вазирлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига мувофиқ худудий маданият органлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

11) Вазирлик тизими мутахассисларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

12) Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

14) фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрациясининг Регламенти (кейинги ўринларда – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти) талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

15) “Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

16) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта хукуқий, коррупцияга қарши, молиявий, иктисадий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

17) Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон ва “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 марта 2142-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

18) ўз ўринбосарлари ва худудий маданият органлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

19) Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

20) Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари) талабларига риоя этилишини таъминлаш;

21) “Коррупцияга қарши қурашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

22) Вазирлик ва унинг ҳудудий маданият органлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар ва давлат маданият ташкилотлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

23) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали маданият соҳасида давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Вазирлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик хужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) ҳудудий маданият органлари ва бошқа идоравий мансуб ташкилотлар тузилмаларини тасдиқлаш, унда уларнинг бошқарув ходимларининг чекланган сонини назарда тутиш;

28) Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий маданият органлари тўғрисидаги низомни, Вазирлик тизимиға кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

29) Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

30) Вазирлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий маданият органлари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

31) Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш.

32) Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Вазир бошқа функционал вазифаларга эга бўлиши мумкин.

28. Қуидагилар вазирнинг биринчи ўринbosари ва вазир ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вақтинча бўлмагандан тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазир томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша Вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

11) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта хуқуқий, қоррупцияга қарши, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон ва “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 марта даги ПҚ-2142-сон ва қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) маданият соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, маданият соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкландиган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

16) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) маданият соҳасида давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

19) “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича

самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонунчилик хужжатлари талабларига риоя қилиш.

29. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринbosарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида

ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринbosарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишида Вазир ва (ёки) ўринbosарларига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равищда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишида иштирок этиш;

12) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта хуқуқий, коррупцияга қарши, молиявий, иқтисодий экспертиздан ва бошқа экспертиздан ўтказиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самараадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон ва “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат

сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равища танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

15) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

16) “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни кўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равища шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

30. Куйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва бошқа

қонунчилик хужжатлари ҳамда Вазирлик буйруқлари билан уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) худудий маданият органлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

5) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринbosарларининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) маданият соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринbosарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, худудий маданият органларининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик худудий маданият органлари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) Вазирликнинг худудий маданият органлари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирликнинг худудий маданият органлари ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

9) Вазирлик худудий маданият органларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-

шароитлар яратиш, худудий маданият органлари кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Вазир номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий маданият органларига ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

11) худудий маданият органлари ходимларини, ўз ўринbosарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

12) худудий маданият органлари ходимлари томонидан Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

13) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали худудий маданият органлари тизимида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

14) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда худудий маданият органлари томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиласиган ўринbosарларига киритиш;

15) худудий маданият органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

16) худудий маданият органлари фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, маданият соҳасида давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

17) Вазирликнинг туман (шаҳар) бўлинмалари ва худудий маданият органлари таркибига кирадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни

ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) ҳудудий маданият органлари ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирликка киритиш;

21) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

31. Куйидагилар туман (шаҳар) маданият бўлимлари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) туман (шаҳар) бўлинмасига раҳбарлик қилиш;

3) фаолиятнинг айrim йўналишлари бўйича ходимлар ўртасида функционал вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг жавобгарлиги даражасини белгилаш;

4) давлат маданият ташкилотлари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил

11 апрелдаги ПК-2881-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринbosарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси раҳбарларининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) маданият соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

8) туман (шаҳар) бўлинмасида кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси раҳбарларига, уларнинг ўринbosарларига таклифлар киритиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, туман (шаҳар) бўлинмасида кадрлар захирасини шакллантириш;

9) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, туманларда (шаҳарларда) туман (шаҳар) маданият бўлимлари ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

10) хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали туман (шаҳар) маданият бўлимларида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

11) туман (шаҳар) маданият бўлимлари ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритиш;

12) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги

32. Вазир:

- 1) Вазирликка юкландган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

33. Вазир ўринбосарлари:

1) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

34. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

1) тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

2) ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси раҳбарлари:

1) ҳудудий маданият органларига юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 24-бандида назарда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

36. Туман (шаҳар) маданият бўлимлари раҳбарлари:

1) туман (шаҳар) маданият бўлимларига юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 26-бандида назарда тутилган туман (шаҳар) маданият бўлимларининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш.

1-§. Вазирлик раҳбарияти

37. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазир бошчилик қилади.

38. Вазир ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади.

39. Вазирнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

40. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва бошқа ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

41. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса вазирнинг тегишли буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

42. Куйидагиларни:

1) Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш – Вазир билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

2) вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш – вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда Вазир томонидан;

3) туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш – туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари билан келишган ҳолда Вазир томонидан амалга оширилади.

43. Вазир Вазирлик тизимиға кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

44. Вазир:

1) Вазирлик ҳудудий бошқармалари ва тизимдаги идоравий мансуб ташкилотлар тузилмаларини уларнинг бошқарув ходимларининг чекланган сонини назарда тутган ҳолда тасдиқлайди;

2) Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий маданият органлари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимидағи идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

3) Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритади.

2-§. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва тизимдаги идоравий mansub tashkilotlar bilan uzaro hamkorligi taribi

45. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва тизимдаги идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

1) топшириқларни ҳудудий маданият органларига ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

2) Вазирликнинг ҳудудий маданият органларига ва идоравий мансуб ташкилотларга таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

3) Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

4) Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

6) Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар иштироқини ташкил этади, маданият соҳасида қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

46. Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

1) Вазирлик раҳбариюни топшириқлари ижроси ҳақида маълумот беради;

2) маданият соҳасида қонунчилик хужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

3) уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

4) ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

5) маданият соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифларни Вазирликнинг марказий аппаратига юборади;

6) комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

7) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

47. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий маданият органлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Вазирнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқлади.

Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишидан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита Вазир томонидан қабул қилинади.

3-§. Вазирликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

48. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ўз ваколати доирасида давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

49. Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқишида ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қиласди.

50. Вазирлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари, Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан мутасаддилик қилинади.

4-§. Вазирлик ҳайъати

51. Вазирликда Вазир (ҳайъат раиси), Вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи Вазирлик таркибий бўлинмалари тизим ташкилотлари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

52. Ҳайъатга қуидаги вазифалар юкланди:

Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоратадбирлар кўрган ҳолда ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

маданият соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиши;

жойларда маданиятнинг долзарб масалалари муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;

Вазирлик марказий аппаратига ва унинг тизимиға кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиши ва тасдиқлаш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишига ҳақлидир.

53. Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

54. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

55. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

56. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қиласиди. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

57. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

8-боб. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

58. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

59. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - туризм ва спорт вазири томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

60. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

1) Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

2) Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

3) Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва усули қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Вазирликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

61. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Вазирлик хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтингча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан, хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа

манбалар Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофот пуллари, устамалар ва бошқа пул мукофотлари тўлаш) манбалари ҳисобланади.

62. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, моддий ёрдам, устама ва рағбатлантириш тўловларидан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Вазир томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

10-боб. Вазирликнинг Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериши

63. Вазир Вазирликнинг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равища ҳисобот беради.

64. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – туризм ва спорт вазири Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши мониторингини олиб боради, шунингдек жойларда ишларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, Вазирлик тизимидағи муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қиласида шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифларни ишлаб чиқади.

65. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнак кўрсатгандан раҳбарлари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл кўйилган жiddий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якунловчи қоида

66. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “7” сентябрдаги 558-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартдаги 141-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 1 ноябрдаги 886-сон қарорига 4-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 8 мартдаги 199-сон қарорига илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 234-сон қарорига илованинг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 8 январдаги 7-сон қарорига илованинг 5-банди.

